

ПИСЬМО ИЗ ТЮРЯ-КУРГАНА[1]

Эй, бизни мусулмон фиркалар, сизларни бу йиллардаги ахволи аъмолларингиз ичкари шахарлардаги маданият топган халкга кулки бўладургон холлардурки, буни олдини хеч кайсиларимиз олмадук. Эмди олиб хам бўлмади. Бул карздорликлар мулкларимизни ва обрўларимизни тўкмакка сабаб бўлган беилм, бехисоб, бефикр ва маданиятсизликларимиз, бепарволигимиз ва эринчоклигимиздур. Хусусан, хукумат бизни шахарларимизни забт килгандин буён кайси бир сартиядин мадрасаларда хатм килиб, замонага мувофик илмлар хосил килди? Канча сарт болалари ўқуйдур, билурмусиз? Йўк, йўк! Холо хам биз кадимги, эски андишада мозорларга сигиниб, ўз динимизга харакат килмай, окча топсак, хохиш улок, тўйларга ўн минг сарфи бехуда, исроф деган уламо йўк. Ўлганга беш минг сарф-исроф учун кайси уламо буларга фатво берган, халол деб. Халол деса, бундан зарур халоллар бор. Улар колубдур. Хеч кимда халкга насихат йўк, бўлса хам кулокга олмайлар. Ёшлар бўлса, кукли ила юрадурлар. Карилар ахли аёлини бетартибда, ахлоксиз килиб ўстурган. Уйлангандин сўнг росхуд отасидин ейдур. Отаси бирор кун камрок росхуд берса, они ўлдурмакда. «Ўзидин чиккан балога кайга борсун давога». Бу мубталолик, жахолат тартибсиз бўлуб, сўкуб, катта килиб, ёшликда кўчада ёнгок, ошук, ондин каттарок бўлганда гапхонада сафсата, азкия деган бехуда сўз, урушмок, сўкушмокни таълим оладур. Бу афъоли бадларни, бу мараз дардни доруси илмдур. Ёшларни мактабда тартиб килиб ўстурмаганликдиндур. Холо хам сизларга вақтдур. Илмсиз киши асоссиз девор деган. Асоссиз девор гоятда беэътибор бўлур. Илм ўкунг, ўкутунг, ахлоки фунун замонага даркорлик илмлар зарур, агар сиз шул замонда турмак бўлсангиз. Лекин, йўк, сизни замонларингиз, бу замона, бул аср эрмас, бул асрда турмаклик сизга душвор бўлур. Агарда янги илм, янги йўл, янги олам, янги асрдин бидъатни орода килиб, сўфилик килурман десаларингиз, хохири жамъ бўлинг. Эски нимарса колган? Йўк, хар аср, хар карн ахволи ўз вақтига мувофик бўладур. Сизлар бул аср халкни ўз йўлларингизга солмок иложини килсангиз, мана замон килиб бўлмайдурки, Машраб девонани сўзига тўғридур: «Баёзидни вақти ўтти, шайхи сўфиён излама» дейдур. Ибратлик сўздур. Хар аср, хар карн бир атвор илан кечар. Агар умрни хохлаб ёки кайтариб олмок мумкин бўлса эди, Ва лайсаш-шабоба биъавди кувватин[2], демас эдилар. Умрни кайтариб олур эдилар. Лекин бўлмайдур, замона турмайдур, аср ва тор вақт кетар, илмсиз, ахлоксиз колур. Сизлар вақт, аср лайлатулкадрдек ўтуб кетар, илмсиз, ахлоксиз колурсиз, харакат даркор, ижтиход даркор. Хаётни сизга бойлаб бергани йўк. Мамот хозирдур, вокиф бўлинг, амал килинг, иш килинг, йўл топинг, илм ўкунг. Оллох ёр этур.

Курук юрма, курук дасти ажалда
Солур токи камон этмас махалда.

Туркистон вилоятининг газети, 1914 йил, №18, 2 март

[1] Ушбу макола миллатни жахолатга судраётган иллатлар танкидига багишланган.

Миллатни янги илм-фан, техника тараккиётидан бахраманд бўлишга даъват этади. Маколада аёллар маърифати, бунинг фарзанд тарбиясидаги ўрни масалаларига, айникса, алохида эътибор берилган.

[2] Ва лайсаш-шабоба биъавди кувватин — Кувват кайтса-да, ёшлик кайтмайди.